

Юртимиз имом-хатибларининг АҚШдаги сафарлари давом этмоқда



00:33 / 23.04.2022 1826

Юртимизнинг бир гуруҳ имом-хатиблари Филадельфияга ташрифлари жараёнида «Ал Бухорий» жомеъ масжиди меҳробига тамал тошини қўйиб бердилар.

Сўнгра куннинг иккинчи ярмида уламолармиз UAMA, яъни Америка мусулмонлар бирлиги бранч Пенсилвания штати Филадельфия шаҳрида жойлашган «Izabet Academic Campus»га ташриф буюрдилар. У ерда устозлар учун ифторлик дастурхони ёзилди. Кейин хуфтон ва таровеҳ намозлари адо этилди. Ташриф жараёнида уламоларимиз илмий-маърифий мавъизалар қилиб бердилар.

АҚШда меҳмон бўлиб турган бир гуруҳ юртимиз имом-хатиблари бугун Филадельфия шаҳридан Нью Йорк шаҳрига қараб йўлга чиқдилар.